



ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мухамаджанов Шахриёр Солижонович

"Эл-юрт умиди" жамғармаси бўлим бошлиғи, Тошкент, Ўзбекистон.

shaxri_7700@list.ru

ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0002-5656-736>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a16

Аннотация

Мазкур мақолада инвестиция муҳити жозибadorлигини оширишнинг илмий-назарий асослари, жумладан, ўтган асрнинг хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларининг ҳамда ҳозирги давр ёш олимларининг "инвестиция", "инвестиция муҳити", "инвестицион жозибadorлик", "инвестиция муҳити жозибadorлиги" каби бир-бирига мазмунан яқин бўлган категорияларга оид илмий-назарий қарашларлари кўриб чиқилган. Шу билан бирга, ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш тизимини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар тақдим қилинган.

Калит сўзлар: инвестиция, капитал қўйилма, инвестиция жозибadorлиги, инвестицион муҳит, баҳолаш, ҳудуд.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ОСНОВА ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ РЕГИОНОВ

Мухамаджанов Шахриёра Солижанович

Начальник отдела фонда "Эл-юрт умиди", Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматриваются научно-теоретические основы повышения привлекательности инвестиционного климата, в том числе научно-теоретические взгляды на такие близкие по содержанию категории, как "инвестиции", "инвестиционный климат", "инвестиционная привлекательность", "привлекательность инвестиционного климата" зарубежных и отечественных ученых-экономистов прошлого века, а также молодых ученых современности. При этом были представлены научное предложение и практические рекомендации по совершенствованию системы привлечения инвестиций в регионы.

Ключевые слова: инвестиции, капитальные вложения, инвестиционная привлекательность, инвестиционная среда, оценка, регион.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL BASIS FOR INCREASING THE INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF REGIONS

Mukhamadzhanov Shakhriyora Solizhanovich

Head of Department, El-Yurt Umidi Foundation, Tashkent, Uzbekistan

Abstract

This article discusses the scientific and theoretical foundations for increasing the attractiveness of the investment climate, including scientific and theoretical views on such similar categories as “investment”, “investment climate”, “investment attractiveness”, “attractiveness of the investment climate” of foreign and domestic scientists-economists of the last century, as well as young scientists of our time. At the same time, a scientific proposal and practical recommendations for improving the system for attracting investments to the regions were presented.

Key words: investments, capital investments, investment attractiveness, investment environment, evaluation, region.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари сифатида “Ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат” бўлиши, “ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилиши” белгилаб берилган. Ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсишга эришишнинг тўртинчи устувор йўналиши сифатида “аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилиши” назарда тутилган.

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг инвестицион сиёсат изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва давлат тузилмаларининг инвесторлар билан ишлашдаги масъулиятини ошириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини бошқариш, баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш, инвестицион фаолликни таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда инвестицион фаолиятдаги таваккалчиликнинг юқорилиги, инвестицион муҳитни шакллантиришнинг минтақалар учун мослашувчан моделларининг қўлланилмаслиги, эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг яқунланмаслиги, потенциал ва истиқболли инвесторларнинг самарали фаолиятини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш йўналиши сифатида «мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамизда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишга қаратилган услубий тавсиялар, илмий таклифлар ва инновацион лойиҳалар ишлаб чиқишни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш масалалари бўйича илмий-назарий ва услубий жиҳатлари борасида мустақил тадқиқотлар олиб бориш сезиларли даражада эмас. Инвестиция соҳасига доир адабиётларда инвестицион муҳит жозибadorлиги сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлиги олимлар томонидан кам ўрганилган

мавзулардан бири эканлиги билан бирга, ушбу масалага ҳозирда янги ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

Хорижий давлатлар олимлари талқинида бу тушунча асосан «бизнес муҳити» тушунчаси билан маънодош сифатида кўрсатилиб келинмоқда. Жумладан, Дж.Д.Дэниелс ва Ли.Х.Радеба фикрича, 70-80-йиллардаги трансмиллий компаниялар ҳозирда “бизнес муҳити талабларига мослашув шартларини тўлиқ кўчириб олишга улгурдилар (environmental scanning)” [2]. Жумладан, С.Ю. Сивакованинг фикрича, мазкур категориялар хорижий амалиётда тўлиқ синоним тушунчалар сифатида қўлланилади [3].

Тараққиёт тадқиқотлари институти (IDS, University of Sussex) вакиллари М.Мур ва Х.Шмитц ушбу тушунчаларнинг фарқлиниши лозимлигини таъкидлашади ва уни асословчи омилларни баён этишади [4]. Уларнинг фикрича, бизнес муҳитининг (ёки инвестицион муҳитнинг) яхшиланиши бизнесни юритиш учун харажатларни камайтириш имконини, инвестицион муҳитнинг яхшиланиши эса – капитални инвестициялашдаги рискларни пасайтириш имконини кўзда тутаяди.

Pernia Ernesto, Salas John Michael Ian Sioson томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан, “инвестицион муҳит кенг маънода “инвестициялар билан боғлиқ даромад ва хавфларга таъсир қилувчи мавжуд ва кутилаётган сиёсат, институтсионал ва хатти-ҳаракатлар муҳити” сифатида таърифланиши мумкин” [5].

Маҳаллий иқтисодчи-олимларимиздан Д.Ғозибеков фикрича, «инвестицион муҳит жозибадорлиги – инвесторлар учун яратилган, кафолатланган шарт-шароитлар ва имкониятларнинг мавжудлигининг асослари мажмуидир» [6]. Ш.А.Турсуновнинг фикрича кўра, “инвестиция” тушунчаси бир қатор маъноларга эга бўлиб, фойда олиш мақсадида акция, облигация сотиб олиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган реал активларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш учун сарфланиши тушунилади, яъни инвестициялар ҳар қандай восита бўлиб, пулнинг қийматини сақлайди ёки унинг қийматини кўпайтиради ва ижобий даромадлар олишни таъминлайди. Инвестиция мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган механизмларни таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда инвестициялар капитал қийматининг ўсишини ва даромад келтиришини таъминлайди” [7].

Тадқиқот методологияси

Мақоланинг мақсади иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида олимларнинг инвестициялар ва инвестиция жозибадорлиги соҳасидаги назарий билимларини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Мақолада статистик маълумотларни ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари билан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ривожланган ва изчил тараққий этаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўзининг чегараси доирасида умумий инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ҳудудлараро ва минтақалараро интеграцияни чуқурлаштиришнинг янги методларини қўллаш асосида мамлакат рақобатдошлиги, инвестицион муҳит жозибадорлигига тўлалигича боғлиқдир.

Шу сабабли, инвестицион муҳит жозибадорлиги ва унга таъсир этувчи янги омилларни ўрганиш ҳозирги замон фанининг янги ва мураккаб тадқиқ предмети сифатида намоён бўлмоқда. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш йўналишларини назарий-методологик асослари олимларимиз томонидан ўрганилмаган ва тизимлаштирилмаган. Инвестицион муҳит жозибадорлиги кўплаб

тадқиқотларда ҳудудий тишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш концепцияларига таяниб қолиши Е.М. Штейн. тадқиқотларида асосланган [8].

Шу маънода, ҳудудларда инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишнинг илмий-назарий асосларини ёш олимлар ва тадқиқотчилар қарашлари асосида таҳлилий кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада, “инвестиция”, “инвестиция фаолияти ва фаоллиги”, “инвестиция муҳити”, “инвестицион жозибадорлик”, “инвестиция муҳити жозибадорлиги” каби бир-бирига мазмунан яқин бўлган категорияларнинг мазмун-моҳиятини, уларга оид илмий-назарий қарашларни тадқиқ этиш лозим.

Хорижий тадқиқотчилар “инвестицион муҳит”, “инвестицион иқлим” каби категорияларнинг мазмуни “бизнес муҳити” тушунчасига яқин деб қараб, уни капитални қўйишнинг рисклилики даражаси ва аниқ объектга инвестиция қилишнинг жозибадорлиги даражасини шакллантирувчи ташқи шарт-шароитлар мажмуи сифатида талқин этадилар [9]. Дж.Доунс ва Г.Эллотнинг таъкидлашларича “инвестицион муҳит инвестициялар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, молиявий ва бошқа шароитлардир” [10].

Х.Жўраев томонидан билдирилган фикрларга кўра, инвестициялар тушунчаси (лотинча “investio” сўзидан олинган бўлиб, “кийинаман” деган маънони англатади) амалда ҳар қандай луғатда мамлакат ичкарасида ва хорижда иқтисодиёт тармоқларига капитал қўйиш сифатида талқин қилинади. Инвестицияларнинг юқорида келтирилган таърифидан келиб чиқиб, ҳар қандай жамғарма қўйилмалари ҳам (мулкӣ ва интеллектуал қимматликлар) инвестицияларни ўзида мужассамлаштиравермаслигини қайд этиш лозим. Масалан, агар бир жисмоний шахс бошқа жисмоний шахсдан қимматли қоғозларни олса, бундай турдаги инвестициялар чекланган тавсифга эга бўлади. Чунки бунда фақат улар эгаларининг ўзгариши юз беради, яъни пул маблағларини ўтказиш ва келажакда акциялари қўлга киритилган компания даромадларини олиш ҳуқуқига эга бўлиш актлари ўринли бўлади [11].

Инвестициянинг мазмун-моҳияти ва тавсифланишига доир илмий-тадқиқотлар олиб борган И.С. Аликулов, Д.С. Сатторовлар томонидан “яқин давргача мамлакатимизда инвестицияни “капитал қўйилма” моҳияти билан айнан бир хил тушунча деб қараб келинганлиги” алоҳида таъкидланади. Шунингдек, умум қабул қилинган инвестиция (капитал қўйилма) тушунчаси қуйидагилар бўйича ифодаланади: “капитал қўйилма” (ёки капитал сарфи) янги қурилишга ва реконструкцияга сарфланадиган молиявий маблағ; ҳаракатдаги корхоналарни техник қайта қуроллантириш ва кенгайтириш (ишлаб чиқаришга капитал қўйиш), уй жойга, коммунал ва маданий-маиший қурилишлар (ноишлаб чиқаришга капитал қўйиш). Бунда инвестиция тушунчасининг моҳиятини аниқлашда бозор ва режали иқтисодиётидаги фарқлари ифодаланади. Капитал қўйилманинг юқорида келтирилган изоҳи сарф-харажатлар тавсифини аниқ ифодалайди ва инвестициялаш соҳасини фақат қўйилмагача қисқартиради, яъни асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш, уларнинг юксалиши ва такомиллаштирилишини назарда тутиши” қайд этилган. Бундан ташқари, бир қанча классик, неоклассик иқтисод мактабига оид иқтисодчи олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда, муаллифлар томонидан “инвестиция” категориясига қуйидаги таъриф берилган: “инвестиция – бу узоқ муддатли ва капитал қўйилмаларни хавф-хатарга қўйиб, тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ва бунинг натижасида фойда олиш ёки ресурслар потенциалининг чекланган шароитида

келажакда бошқа фойдали самарага эришиш мақсадидаги иқтисодий категориядир” [12].

“Инвестиция” ва “капитал қўйилма” категорияларининг бир-биридан фарқли жиҳатларни ўзида мужассам этишини таъминлаган олимлар: М.Қ. Пардаев, А.Н. Холиқулов, Г.Жумаевалар томонидан ушбу икки иқтисодий категория қўйидагича фарқланган:



1-расм. “Инвестиция” ва “капитла қўйилма” категорияларининг ўзаро фарқланиши [13]

Муаллиф инвестицияларнинг миллий даромаддаги ҳиссасини аҳамиятли эканлигини қайд этган ҳолда, миллий даромаддаги инвестиция нормасини қўйидагича ифодалашни таклиф этган:

$$\text{ЯИН} = \frac{\text{ЯИС}}{\text{ЯММ}} * 100 \quad (1)$$

Ушбу формулада:

ЯИН - ялпи инвестиция нормаси;

ЯИС - ялпи инвестиция сўммаси;

ЯММ - ялпи миллий даромад.

Шунингдек, Н.Ҳ. Ҳайдаров ўзининг илмий изланишларида ““инвестиция” категориясининг мазмун-моҳияти давлат, аҳоли ва турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхоналарнинг молиявий, мулкӣ ва интеллектуал бойликларига нисбатан тегишли бўлган қонунлар билан таъқиқланмаган молиявий ресурсларга” эътибор қаратган [14].

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасидан маълумки, ҳудудларга инвестицияларни жалб этишдаги асосий мезонлардан бири – инвестиция муҳитини яхшилаш, унинг жозибадорлигини таъминлаш, ҳудудлардаги ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқлари ва ишлаб чиқариш кучларини қулай тарзда жойлаштириш орқали ишбирламонлик муҳитини ривожлантириш ҳисобланади.

Ж.Каримқуловнинг фикрича, “дунё миқёсида ривожланган ва янги индустриал мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу борада эркин иқтисодий ҳудудларда яратилган инфратузилма тармоқлари ва қулай инвестициявий муҳит хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда” [15].

Ш.Мустафақуловнинг таъкидлашича, “мамлакатнинг интеграл инвестицион

жозибаторлиги – бу мамлакатнинг хўжалик ривожланиш шароитларини тавсифловчи ва ундаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир” [16].

Шунингдек, тадқиқотчилар К.Б. Турсунов, Н.Р. Ражабов таъкидлашларича, “Инвестицион муҳит жозибаторлиги – мамлакат, тармоқ ва соҳаларга инвестициялар оқимини аниқловчи, таъминлашга имкон берадиган, кафолатланган ҳамда инвестицион фаоллик билан баҳоланадиган иқтисодий, ижтимоий ҳолат, жараён ва воситалар, имконият ва чекловлар йиғиндисидир”. [17].

З.Т. Мамадияров, Ф.С. Махмудовларнинг қайд этишича, инвестиция муҳити жозибаторлиги мамлакат ёки алоҳида олинган тармоқ инвестицияларининг даромадлиги, инвестиция муҳити, инфратузилма, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция risks даражаси нуқтаи назаридан баҳоланишидир. Инвестиция жозибаторлиги мамлакат инвестиция салоҳияти ва инвестиция risks даражасининг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда жозибаторлигини аниқлаш мумкин бўлади. Инвестиция risks даражаси инвестиция муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқдир [18].

1-жадвал


Инвестиция жозибаторлигини баҳолашга оид методологик жиҳатлар [19]

Баҳолаш формуласи	Изоҳ
<p>$IЖ_{kj} = X * IЖ_{xj} + Y * IЖ_{mj}$ <i>IЖ_{kj} – j ҳудуднинг комплекс инвестицион жозибаторлиги;</i> <i>IЖ_{xj} – j ҳудуднинг маълум бир (таҳлил қилинаётган) ҳудудининг инвестицион жозибаторлиги;</i> <i>IЖ_{mj} – j ҳудуд маълум бир тармоғининг инвестицион жозибаторлиги;</i> <i>X, Y – ҳар бир инвестицион жозибаторлик кўрсаткичларининг солиштирма оғирлиги.</i></p>	<p>Инвестицион жозибаторликни ҳудудий кесимда ёки тармоқ кесимида икки бўлиб аниқлаш асосида комплекс услуб (формула) орқали баҳолаш.</p>
<p>$IЖ_{x(t)} = DD_{x(t)} * (1 - PD_{x(t)})$ <i>IЖ_{x(mj)} – минтақанинг ҳудудий/тармоқ бўйича инвестицион жозибаторлиги;</i> <i>DD_{x(mj)} – ҳудудий/тармоқ бўйича инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнес (объект)нинг даромадлиги ёки иқтисодий қайтим;</i> <i>PD_{x(mj)} – ҳудуд/тармоққа йўналтирилган инвестициянинг рисклилик кўрсаткичи.</i></p>	<p>Минтақани ҳудудий ва тармоқ бўйича инвестицион жозибаторлик кўрсаткичларини баҳолаш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим: иқтисодий қайтим (инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнестан (объект) келадиган даромад); инвестиция risks (минтақанинг (ҳудуд ва тармоқ бўйича) турли хилдаги риск даражаси ҳисобланади).</p>
<p>$DD_x(t) = (YXМ (1 - BT)(1 - C) - I) / I$ <i>YXМ – ялпи ҳудудий маҳсулот;</i> <i>BT – бюджет тақчиллиги;</i> <i>C – ўртача солиқ ставкаси;</i> <i>I – инвестициялар</i></p>	<p>Ҳудуд ёки тармоққа йўналтирилган инвестициядан келадиган даромад қайтими ва риск натижасида йўқотиладиган зарар ўртасидаги фарқ орқали инвестицион жозибаторликка баҳо бериш мумкин. Ҳудуд ёки тармоққа ўтган йиллар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори ҳамда таҳлил қилинаётган йилда олинган фойда ўртасидаги нисбий миқдор иқтисодий қайтим кўрсаткичини</p>

Баҳолаш формуласи	Изоҳ
	намоён этади. Бир вақтнинг ўзида ҳудудда бир қанча тармоқларга инвестициялар киритилганлиги ва улардан келадиган (ҳар бир объектдан келадиган фойда) фойда нормаси турлича бўлганлиги боис, иқтисодий қайтим кўрсаткичи ўртача ҳудудий қиймат бўйича олинади:
<p align="center">$ДДХ(т)j=МН/И$</p> <p><i>ДДХ(т)j – иқтисодий қайтим (даромадлилик даражаси) кўрсаткичи;</i> <i>МН – фаолиятнинг молиявий натижаси сальдоси (фойда/зарар);</i> <i>И – ўтган йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар (минтақа кесимида).</i></p>	Бир вақтнинг ўзида мамлакат ҳудудларининг бир қанча тармоқларига инвестициялар киритилганлиги ва улардан келадиган (ҳар бир объектдан келадиган) фойда нормаси турлича бўлганлиги боис, иқтисодий қайтим кўрсаткичи ўртача ҳудудий қиймат бўйича олинади.

Муаллиф томонидан амалга оширилган таҳлил ва натижалар юзасидан, инвестицион муҳит жозибдорлигига қуйидагича янги таъриф берилмоқда: *“Инвестиция муҳити жозибдорлиги – мамлакатнинг, хусусан ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ҳолати ва уларга киритилган инвестициялар ҳажмини аниқлайдиган ва даражасини баҳолайдиган жараён ва имкониятлар йиғиндисидир”.*

“Инвестиция муҳити”га оид хорижий тадқиқот натижалари асосида “инвестиция муҳити” ташкил этувчи учта муҳим элементлар тўплами қуйидагилардир:



2-расм. “Инвестиция муҳити”ни ташкил этувчи учта кенг омиллар тўплами

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибдорлигини ошириш масалалари бўйича илмий-назарий ва услубий жиҳатлари борасида мустақил тадқиқотлар олиб бориш сезиларли даражада эмас. Инвестиция соҳасига доир адабиётларда инвестицион муҳит жозибдорлиги сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда.

Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлиги олимлар томонидан кам ўрганилган мавзулардан бири эканлиги билан бирга, ушбу масалага ҳозирда янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳудуднинг инвестиция муҳити – иқтисодий ва нодавлат сектор фаолиятини ривожлантириш, юқори иқтисодий манфаатдорликни таъминлаш мақсадида инвестицияларни жалб этишга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий, шу жумладан, имтиёзлар, ижтимоий чораларнинг амалга оширилганлик даражаси ва механизми ҳисобланади.

Шу боис, ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш сиёсатини амалга оширишда инвестиция муҳити жозибадорлигини яратиш зарур бўлиб қолмоқда. Ушбу жараёнда қуйидагиларни:

- мамлакатда инвестиция муҳит жозибадорлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар аҳамиятини белгиловчи омиллари илмий-назарий таҳлил қилиш;
- тармоқ ва соҳаларни рақамлаштириш жараёнида инвестицияларни ривожлантиришнинг самарадорлиги потенциал инвесторларнинг зарур маълумотлар билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш;
- инвестицион рискларни ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг инвестиция салоҳиятини тўғри аниқлаш ва баҳолаш бўйича янги услубиётларни ишлаб чиқиш;
- инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш борасидаги илғор хорижий тажрибалар акс этган ҳужжатлар, жумладан БМТ Савдо ва тараққиёт конференция (UNCTAD)нинг Жаҳон инвестиция ҳисоботлари (World Investment Report), Жаҳон банкининг Инвестицион муҳит бўйича гуруҳи (Investment climate team)нинг йиллик ва чораклик ҳисобот ҳамда хулосаларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланишни илмий асослашни ҳисобга олиш лозим.

Инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш илмий тадқиқига замонавий ёндашув билан бирга, инвестициялар оқимини кенгайтиришга қаратилган мақсадли стратегик вазифаларни ҳал этиш тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 30 декабрь № 276 (7778) сони.
2. Дэниэлс Дж.Д., Радеба Л.Х. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. 4-е.изд. – М.: Дело ЛТД, 2014. 438с.
3. Сивакова С.Ю. Формирование инвестиционного климата с целью привлечения иностранных инвестиций (На примере Смоленской области) [Текст]: дис. канд. экон. наук: 08.00.05 – Санкт-Петербург, 2014 – с. 22.
4. Moore M., Schmitz H. Idealism, realism and the investment climate in developing countries- Sussex: Institute of Development Studies, 2016 – p.22.
5. Pernia Ernesto M. Salas John Michael Ian Sioson (2005) : Investment climate and regional development in the Philippines, UPSE Discussion Paper, No.2005,01, University of the Philippines, School of Economics (UPSE), Quezon City.
6. Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003 – 676.

7. Ш.А.Турсунов. Инвестицион лойиҳалаштириш. Ўқув қўлланма. 2007. <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/11/18-y-Investistion-loyixalashtirish-Oquv-qollanma-Sh-Tursunov-T2007.pdf>

8. Штейн. Е.М. Экономический механизм формирования и регулирования деятельности предприятий инвестиционно-строительного комплекса в регионе (на примере Москвы). Автореферат дис.соис. уч. ст., д.э.н. Москва 2004.

9. Басенко А.М., Таранов П.В. Особые экономические зоны как институциональный инструмент мобилизации инвестиционно-финансового потенциала территориального развития // Финансовые исследования. 2016. №1 (50).

10. Доунс Дж., Гудман Дж. Э. Финансово-инвестиционный словарь. 3-е изд. М.: Инфра-М, 2017. – 255с..

11. Х.Жўраев. Инвестиция тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти. Иқтисод ва молия / экономика и финансы 2015, №8

12. И.С.Аликулов, Д.С.Сатторов. Инвестициянинг мазмун-моҳияти ва тавсифланиши. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2021. №5.

13. М.Қ.Пардаев, А.Н.Холиқулов, Г.Жумаева. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2019. - 234 бет.

14. Н.Ҳ.Ҳайдаров. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2003, 14-15 - б.

15. Ж.Каримқулов. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. и.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019.

16. Ш.И. Мустафакулов. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Т.:Baktria press, 2017 – 18-б.

17. К.Б.Турсунов, Н.Р.Ражабов. Инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. - Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021, 212 бет.

18. З.Т. Мамадияров, Ф.С. Махмудов. Мамлакатнинг инвестицион жозибadorлигини оширишга таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос жиҳатлари. <https://www.econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/484>

19. Н.Ражабов. Инвестицион муҳит жозибadorлигини баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2020. № 4.